

---

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Қонунчиликдаги янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 28 июл куни “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-120- сонли Фармони имзоланди.

Мазкур Фармонга асосан 2023 йил 1 августдан бошлаб:

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нфақа миқдори ойига 568 000 (беш юз олтмиш саккиз минг) сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча туловларни ҳисобга олган ҳолда ойига 568 000 (беш юз олтмиш саккиз минг) сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори ойига 568 000 (беш юз олтмиш саккиз минг) сўм;

боқувчисини йуқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори ойига 568 000 (беш юз олтмиш саккиз минг) сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун -198 000 ( бир юз туқсон саккиз минг) сўм этиб;

боқувчисини йуқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори ойига 568 000 (беш юз олтмиш саккиз минг) сўм этиб белгиланиб кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тарибга мувофиқ пенсия туланиши белгилаб қўйилди.

Ўктамжон Эргашев - Сўх туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-08-02 17:57:55